

Бу кунларда ҳукумат доираларида муассасаларни марказлаштириш фикри кўзголгандир. Бу жуда яхши фикрдир. Албатта, ҳукумат идораларининг бир ерда бўлиши ҳам шу идораларнинг ишларининг тартибли боришига сабаб бўлур, ҳам мурожаатчиларга осон бўлур. Бу фикрни биз ҳам олқишлаймиз.

Маълумки, ҳозир Туркистоннинг ҳар ерида маориф ишларига жиддий кўз билан қарашиб турилибдир; ҳатто марказ маориф комиссиялиги муаллимларни таъмин этмакни биринчи ишдан санаб бу жихатда жиддий ташаббус қилмоқдадир.

Бу ҳаракатлар Туркистонда маориф ишларининг зарур ва муҳимлигига далолат қиладир. Биз ҳам, албатта, бир умумий фикрга қўшилмоғимиз ва шу йўл билан бормоғимиз керакдир.

Самарканд вилоятида маориф ишларини яхши йўлга қўймоққа қанча тиришилса ҳам, қўришиб турибдирким, муваффақ бўла олмаимиз; ҳатто ҳозир ҳам очик айта олмаимизким, битта ҳам тузук мактабимиз йўқдир. Бу йўлда бизнинг ҳам қўб ишлар қилмоғимиз керак бўладир.

Бутун Самарканд вилоятида биргина кўзимизга қўринадирган мактабимиз бирдан-бир билим юртимиздирким, унинг холи ҳам газета ўқиғувчиларга очикдир. Шу мактабни ҳам нима бўлса ҳам бир оз тузатмоқ учун қанча гайратлар сарф қилинса ҳам истаганимизча муваффақ бўла олмаимиз.

Эшитганимизга қўра ҳукумат идораларини марказлаштириш учун шу билим юртининг биниси муносиб қўрилмишдир, ўткан йил шу ойларда тамом сўнган ва битган эди. Бунинг бу ҳолга тушишига сабаблар бор эди. Муаллимсизлик, идоранинг озуқлиги, моддий жихатнинг торлиги ва бошқалар. Ўтган ёз билим юрти талабалари буткул тарқалгондилар, фақат 10—20 бола қолган эди.

Қўлидан иш келатурган талабаларининг ҳар бири ўз иши орқасидан кетдиким, шу йил қанча тиришсак ҳам қўбини келтура олмадик.

Ҳозир юз элликка яқин билим юрти талабаси бор ва мактаб қошида татбиқот мактаби ҳам қурулдиқим, 50 дан ошқ бола ўқийдир.

Биз шундай умид этамизким, бу йил бир оз маънавий ва моддий жихатдан тузатганимизнинг натижаси бўлиб қеласи йил бу мактаб ҳақиқатан бир билим юрти ва ибтидоий мактаби бир намуна мактаб бўлар деб. Бу ичги тараф.

Халқимизнинг маориф ишларига қараш рағбатига қелсак, шуни айтиб ўтмоқ керакким, ҳар бир ерлик мусулмон ва маорифпарварнинг мактабнинг маориф деганда кўзига қўринатургани бирдан-бир шу билим юртидур. Ушбу билан севинадур, фахр қиладур.

Инқилобнинг фойдаси бўлиб, унинг қўлига тушган бир ганимат деб шу бинони қўрсатадир ва шу муассасани қиладир. Бу бинони ҳукумат идоралари учун олмоқ мана шу жихатдан маориф ишларининг боришига бирдан бир зарардир. Бизнинг Самарқандда бирдан-бир илмий муассасамиз шудир, бунга зарба бермақ яхши эмасдир. Сўнгра шуниси ҳам маълум бўлғайқим, бу бино фақат мактаб учун қасалгондир, бунда идораларни қойлаш нотўғридир.

Шу беш йил ичида бу бинони олмоқ учун қўб маротабалар ташаббуслар бўлди, фақат ишга ошмади. Биз умид этар эдикким, халқнинг руҳи ва маориф ишларининг бориши билан ҳисобланиб, шу сира ҳам шу масала ишга ошмасун ва шу бино бир илмий муассаса бўлиб билим юрти учун қолдирилсун. Бу мактабни ҳақиқатан бир илмий муассаса қолига қўймоқ учун гайрат ўрнига, буни бузмаққа тиришмақ айб бўлса керак.

Бир ишни тузатмокка тиришайлик, ўртоклар, бузмакка эмас. Шунин эсдан чикармайлик.

Ўз даврининг маърифий-ижтимоий масалаларига багишланган бу макола «Зарафшон» газетасининг 1923 йил 12 апрел сонида эълон этилган.